

**Жорий - таъмирлаш ишларини бажариш бўйича
№ 3- сонли пудрат**

Ш А Р Т Н О М А С И

«27» май 2022йил

Уйчи тумани

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Уйчи туман Ободонлаштириш бошкармаси** номидан А. Рахматулла бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Мухриддин Инвест Қурилиш” масулияти чекланган жамияти номидан низом асосида иш кўрувчи М. Ахмаджонов иккинчи томондан 24.05 2022 йилдаги № 2-сонли давлат харидлари бўйича электрон савдолар баённомасига асосан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Шартнома мавзуси

1.Пудратчи мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” тасарруфидаги Уйчи тумани Оқтош МФЙ Ифтихор кўчасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектларни жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Умумий шартлар

1.Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан ўзаро тасдиқланган (Ф-2,Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тўлов учун тақдим этилади.

2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшашиб беради.

3.Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 28 кунигача Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

4.Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса Пудратчи қамчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари

1.Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиши:

3.Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4.Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

JZ82782404

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

6. Таъмирлаш давомида лойиха смета хужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрисида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

1. Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиши.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

V. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

1. Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси **278 000 000 (Икки юз етмиш сакқиз миллион)** сўм этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов тендер савдолари натижасида аниқланган қатъий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш ҳақи тўловларининг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.

2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг 30 фоиз миқдорида аванс ўтказди, бу эса **83 400 000 сўмни** ташкил қилади. Қолган тўловлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 90 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини 01.06.2022 йилдан бошлаб 01.07.2022 йилгача тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

VI. Томонларнинг мулккий жавобгарлиги

1. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни хал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда туманларао иқтисодий судлари томонидан кўриб чиқилади.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбурятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар бундай тулик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома бўйича мажбурятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

IX. Шартномани бекор қилиш

1. Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда

2. Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда

3. Объектдаги таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда,

4. Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қўйилганда, конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга .

5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида тутилган ҳоллар бундан мустасно.

X. Алоҳида шартлар

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалда ги конун нормалари қўлланилади.

5. Мазкур шартнома томонлар ўртасида тасдиқланиб, Ҳазначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланиб, бир хил юридик кучга эга бўлгани ҳолда 3 нусхадатузилди.

6.Шартноманинг амал қилиш муддати«31» декабрь 2022 йилгача.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:
«Пудратчи» **«Буюртмачи»**

“Мухриддин Инвест Қурилиш” масулияти
чекланган жамияти

(товар, хизматкурсатувчиноми)

Манзил: Наманган вилояти Уйчи тумани Уйчи
шахарча Шифокор МФЙ шифокор кўча

Тел./факс +998 93 675 83 83

х/р: 20208000900826425001

Банк номи“Асака Банк” Наманган вилояти
филиали

МФО 00877 СТИР305204912

Ободонлаштириш бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчи номи)

Манзил: Уйчи ш. Беруний куча 1-уй

Тел: 48-21-864

Ш.Х.Р 401722860142297065200110002

ИНН: 200098442ОКОНХ: 90290

Узб. Рес. МолиявазирлигиГазначилиги

Х/В 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ШББ. ХККМ

МФО: 00014ИНН 201122919



М. Ахмаджонов

Рахбар

А. Рахматулла



YURIDIK AXAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№- JZ82782404

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

Joriy ta'mirlash to'g'risida 3-son pudrat shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida malumot:

Uychi tuman obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 27 may kuni mazkur dasturga kiritilgan.

Hujjatni qonuniyligini o'rganishga asoslar:

-O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 437-456-moddalari;

- O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli Qonuni, 7-bobi 56-61-moddalari;

-Uychi tuman xokimligi Xalq deputatlari Uychi tuman Kengashining 2022 yil 21 apreldagi №V1-50-49-6-86-K/22-sonli qaroriga asosan Uychi tuman "Fukarolar tashabbusi jamg'armasi" mablag'lari hisobidan "Ochik byudjet" axborot portali orqali eng ko'p ovoz tuplagan takliflar bo'yicha Uychi tumanida joylashgan Oqtosh MFY ko'chasini joriy ta'mirlash;

-O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-sonli Qonuning 10-moddasi;

-Yuridik shahsni davlat ro'yhatidan o'tkazilganligi to'grisida guvohnoma.

Xulosa: Oqtosh MFY ko'chasini joriy ta'mirlash to'g'risidagi 3-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga, qonunchilik texnikasi qoidalariga muvofiq ishlab chiqilgan. Havola qilingan normalarning qo'llanilishi asosli va maqsadga muvofiq, shuningdek, loyihada korrupsiyaga sabab bo'ladigan omillar mavjud emas. Shu sababdan ushbu shartnoma loyihasini qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



I.Davranov

2022 yil «30» may


МУХОКАМА АХБОРОТИ

27.05.2022 йил

Уйчи тумани

Наманган вилоят ИИБ томонидан 2021 йил 24 сентябрдаги № 22110012087046-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58-моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича “МФЙлар кириш-чиқиш кўчалари ва марказларини туну-кун автотранспорт воситаларини давлат рақамларини кўрсатадиган кузатув камералар ўрнатиш ва кузатув марказига улаш” хизматлари учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни-60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилади. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “**Мухиддин инвест дизайн**” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Хайъат раиси ўринбосарлари ва аъзолари:



О. Жакбаров



Т. Жўрабаев

А. Ибойдуллаев



М.Турдиматов



Ш. Тиланов